PAPER DETAILS

TITLE: 20. Yill?r Özbek Vaqtli Matbuatid? Türkç? Sözler, Grammatik S?kll?r v? Ul?rning Qoll?nisi

AUTHORS: Abdurazik Refiyev aktaran: Ertugrul YAMAN

PAGES: 0-0

ORIGINAL PDF URL: https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/136113

# 20. YİLLÄR ÖZBEK VAQTLİ MATBUATİDÄ TÜRKÇÄ SÖZLER, GRAMMATİK ŞÄKLLÄR VÄ ULÄRNİNG QOLLÄNİŞİ

PROF. DR. ABDURAZIK REFİYEV

20. Yıllär Özbek vaqtli matbuatidä näfäqat Oğuz Lähcäsi(**äsasän Türkçä**)gä xas sözlärni, bälki oşä vaqtdä matbuat tilidä işlätilgän bä'zi grammatik şäkllärni, bu tilgä xas fonetik xususiyätlärni, hättaki gäp qurilişlärini häm uçrätämiz. Biz diplom işimizdä Türkiy Tillärgä (**Tatar, Azärbäycan vä b**. )xas özgärişlärni Türk Tili misalidä aldik(**mäsälän, -gan-äm! -m).**

-Ğan affiksi 20. yıllär vaqtli matbuatidä fäal iste'maldä bolgäni haldä, bu dävrgä kelib hazirgi Özbek Ädäbiy Tili leksikasidän çıqıb ketgän, ämma uşbu grammatik şäkl Xaräzm Şeväsidä hazirdä häm-gan tärzidä saqlänib qalgän (**alğän, barğän**).

Azärbäycan Tiligä xas –äm! –m grammmatik şäkllärni häm bu dävr ädäbiy häyatidä keng tarqalgän bolib, şaxs-sanni bildirgän:

*Bin äyşimni qıluräm hädgä birginä ğaşgä...*

(**Ä. Ävlaniy**).

veya

*Ägärçi baxti qarayäm, ki heç ğam çekmäm...*

(**Ä. Ävlaniy**).

käbi misallärni keltirib ötiş mümkin.

Uşbu dävr ädäbiy tilidä Türk Tili gäp qurilişigä oxşätişlär häm änçä uçräydi: Şäbpäräk qanati käbi mütävalli häräkätlänib turmuş yelpağıçgä här zäman döhüb eng çuqur vä mütähäyyiranä bir fikr ilä baqıb beçarä fäyläsüf äslabir şäy änglämäyor edi ( **Behbudiy " Aq yelpağıçli Çinli Xatın", 51-b)**

Quyidä biz 20. yıllär matbuatidä vä uşbu dävr ädäbiy häyatidä işlätilgän, Osmanli Türkçädän Özbek Ädäbiy Tiligä özläştirib alingän bä'zi sözlär, birikmälär vä grammatik şäakllärgä toxtalib ötämiz. Şuni häm e'tibargä aliş keräkki, bu dävrdä mümtaz ädäbiy tilimizgä özläşib ketgän Äräbiy vä Farsiy söz vä birikmälär näfaqat Özbek Tilidä, Türk Tilidä häm fäalläşib ketgän edi.

20. yıllär vaqtli matbuat näşrläridä vä ädäbiy häyatidä qollänilgän Türkçä sözlärni M. Behbudiy, Ä. Ävlaniy, Ä. Fiträt, S. Äcziy, Çolpan käbi mä'rifätpärvär ziyalilärimizning äsärläridä körib çıkamiz. Bu leksik birliklär qaysi söz ornidä qollänilgän, ulärning ekvivalenti barmi vä, nihayät, ulär qandäy yäsälgän degän sävallärning kelib çıqışi täbiiy. Biz öz işimizdä änä şu sävallärgä cävab berişgä häräkät qılämiz.

Mä'lumki, oşä dävrdä Türk Tilidän cüdä köp sözlär özläştirib alingän. Änä şulärdän biri "köy" sözidir. Türkçädä "köy" sözi "qışlaq"mä'nasini bildirädi. Behbudiy özining "Aynä jurnalidä näşr etilgän "Säyahät Xatırälári"[1] namli maqaläsidä "köy"sözini" qışlaq"mä'nasidä işlätädi

*"Yänä bir neçä köylärni ötär edük, aftab yatib, här nimärsä közdän ğayib boldi"*(**71-b**).

Bu yerdägi "köylär" sözi Türkçädä "köyler" tärzidä qollänilädi, çünki Türk Tilidä özäkkä affiks qoşilgänidä, bä'zi istisnalärni hisabgä almägändä hämmä vaqt sözdägi ünlilärnig qalın yaki yümşaqligigä qarab, yä'ni singarmonizmgä äsaslängän haldä qoşilädi. Älbättä, fäqat äyrim istisnali hallärginä bundän müstäsnadir. Uşbu hadisä Oğız Tilläri üçünginä xas bolgäni säbäbli, Özbek Tiligä Türkçädän söz özläşginidä, tavuş uyğunligi hadisäsidän çetgä çıqılib, söz Özbekçä täläffuzgä masläb berilädi vä qollänilädi. Buni yuqaridägi misaldä häm kördik. Äslidä "köy" sözigä -lär affiksining yumşaq variantil -ler qoşilişi keräk edi. Bundäy sözlär qatarigä oşä dävr matbuat sahifäläridä tez-tez uçräb turädigän ev (**ev**), äfändi(**efendi**), birinç(**pirinç**) käbi özläşmälär häm kirädi.

1 Behbudiy, Säyahät hatırälári, *"Aynä"* jurnali, 1914,40.san.

Türkçädä "äfändi"(**efendi**)sözi "cänab" mä'nasini bildirädi, ämma Türk Tilidä "äfändim(efendim)sözi barki, undägi –m grammatik körsätkiçi egälik mä'nasidä boliş bilän birgä ikkinçi mä'nani häm täşiydi. Bu mä'na Türk sözläşuv tiligä köprak xasligi bilän äcrälib turädi, yä'ni "äfändim" ikkinçi bir şaxsgä müracäät mä'nasigä häm egä. Uşbu söz änä şu xususiyäti bilän änglämägänlik, häyrätläniş, soraq mä'nalärini beräälädi:

*"İşçilär fakültetinä yazilgän äfändilärning uşbu täinlänmiş saätdä darilfünun binasidä hazir bolmaqläri qat'iy süratdä täläb qılinur"* (**İştirakiyün, 1920. 10. 02**).

Uşbu misaldän körinib turibdiki, "äfändi"sözi Özbek Tilidä birinçi mä'nadä işlätilib, undä Oğız Tillärigä xas bolgän bir neçä grammatik körsätkiçlär häm mävcud. Bu grammatik körsätkiçlärgä esä keyinraq toxtälämiz. .

"Soqaq"(**sokak**) sözi Türk Tilidä köçä, öydäk mä'nalärini bildirädi. Uşbu söz Özbek Tilidä häm uçräydi:

*"Suvlär sepüllüp soqaqı bari*

*Dört mädräsä vardur ändä bärpa"*

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät")**[2]

"Soqaq" sözidä egälik affiksi qoşilsä, ikkinçi boğındägi tavuşi yümşaq g (ğ) gä äylän"di. Yä'ni(**sokağı, sokağım, sokağın**) käbi. Bundäy tavuş özgärişining bütünläy äks tamanini ÖzbekTilidä körişimiz mümkin. U Türk Tilidägidäy egälik affiksi qoşilgänidä emäs, bälki cönäliş kelişigi qoşilgänidäginä (yaki sıfätdaş qoşimçäsi qoşilgänidä)sadir bolädi: Bağ-baqqa, tağ-taqqa; -Sigirni sağ! Vay, saqqan süting fäqat şuginämi?!; Hämmäni yığıng! Yıqqan adämläringiz şu yergä keläversin vä häqaza misallärni keltiriş mümkin.

San söz turkumigä aid "dört"(**dört**)sözi Türk Tilidä sıfätning bir körinişi sıfätidä örgänilädi, çünki Türk Tilidä älahidä san söz turkumi mävcud emäs, u fäqat sıfät deb yüritilädi. Ulär qatarigä yüritilädi, bu esä Özbek Tilidägi tüb sanlärgä toğri kelädi.

2 S.Äcziy.Mir'ati İbrät !!Milliy Uyğaniş, Taşkent,Üniversiteti, 1993,97-b.

"Bar"(**var**) sözidä esä Oğız Tillärigä xas fonetik xususiyätni körämiz, u äslidä "bar" şäklidä işlätilädi vä mävcudlik mä'nasini bildirädi. Bu sözgä kesimlik qoşimçäsi –<u>dir</u> ning klassik varianti –<u>dür</u> qoşilgän vä tä'kidläş mä'nasini küçäytirgän.

20. yıllär vaqtli matbuat tilidä uçräb turädigän "öksüz"(**öksüz**) sözi Türk Tilidä "yetim", "kimsäsiz" "täşländik" mä'nalärini ifadäläydi:

"Mänä şuning öksüz, yoksul könglini

Kötärmäk –çün gözällärgä tegişdir"

**(Fiträt "Şair", 31-b. ).**

Yuqaridägi misaldä häm şair änä şu mä'nalärni yänädä börttiriş, köçäytiriş üçün "öksüz" sözidän keyin "yoqsul" sözini ketmä-ket keltirädi. "Yoqsul"(yoksul) kämbäğal, beçarä demäk. Fiträt "öksüz" sözidän faydälängändä Türkçädägi singarmonizm hadisäsini buzmäydi, yä'ni şair bu sözni "öksiz "(**öksüz**) Tärzidä häm berişi mümkin edi. Sözning özi özäkni täşkil qılgänligi üçün uning fonetik tüzilişi äsl halidä berilgän. Ägär ungä affiks qoşilgänidä bu hadisädän çetgä çıqılişi mümkin edi, yä'ni söz <u>öksüzlere</u>(öksüzlere) tärzidä bolmäy, <u>öksüzlärä</u> tärzidä işlätilär edi.

Türk Tilidä "cocuk(çocuk)sözi "yaş balä" mä'nasini berädi. Ä. Ävlaniy"Mäktäb Haqındä" mäqaläsidä bu söz täläffuzini Özbek Tiligä masläştirär ekän, uni Türkçäsigä "çocuq"deb bermäy, "cocuq" tärzidä işlätilädi:

*"Ümidim şul, cocuqlär, üzmäsänglär payi mäktäbdän"*

**(Ä. Ävlaniy "Mäktäb Haqındä"** )

Bu yerdä şair tavuş älmäşiniş hadisäsigä riayä qılädi-cärängsiz <u>ç</u> tavuşi cärängli <u>c</u> tavuşigä özgärädi. Formä yäsavçi –<u>lär</u> affiksi "cocuq" sözigä qoşilib, köplik mä'nasini ifadälägän. Şuni häm älahidä tä'kidläş keräkki, formä yäsavçi –<u>lär</u> köplik affiksi bu dävr ädäbiy tilidä xuddi hazirgidäy köplik mä'nasidän taşqarı taxmin, naanıqlik(**1917. yıll<u>är</u>dä yüz bergän** edi), mä'nani küçäytiriş, tasviriylikni aşiriş(cimginä külip baqışläri bar edi), hürmät(Atämlärgä äyting) vä başqa köpläb mä'nalärni häm ifadäläb kelgän.

Endi quyidägi misalgä e'tibar qıläylik:

*Köçäläriğa vä här här yerğa limonat vä näv' läziz muzlik şärbät dondurmälär köp bolip, kättä bir qadähi ikki tiyindür*

**(Behbudiy "Sayahät Xatıräläri, "99-b)**[3]

Türk Tilidä "dondurmä" (**dondurma**) sözi "muz qaymaq"mä'nasini ifadäläydi. Türkçädä "donmak", yä'ni savuk qatmaq, "muzlämaq" fe'li mävcud bolib, "dondurmä" sözidägi –ma(**-ma**) affiksi Türk Tilidä fe'llärdän härakät atläri (**yazma, gitme, geçme**) hasil qılış bilän birgä, bu fe'l äşya närsä namini häm bildirädi vä at, sıfät şäklidä qollänilädi. Dondurmä (**dondurma**), kavurma (**kavurma**) dolmä(**dolma**), içmä (**içme-içimlik**). Özbek Tilidä esä bu hadisäni "dimlä" (**buyruq fe'li**)- "dimlämä" (**at**), "sür" (**buyruq feli**)-"sürmä" (**at**) misalläridä uçrätişimiz mümkin.

20. yillär vaqtli matbuat tilidä özimiz bilgän "suv" sözi işlätilgänki, yazuvki vä şairlärimiz bu sözdän grammatik özgärişlär bilän faydälängänläridä uni Oğız Tillärigä xas tärzdä işlätilgänlär:

*"Ming külfät ilä mävqıfğa (bekätgä) yetib temür yol ilä aqşam yänä mä'dän suyığa yutdim"*

**(Behbudiy "Saäyahät Xatiräläri", 63-b)**[4]

Özbek Ädäbiy Tilidägi "suv" sözi Türk Tilidä "su"(su) tärzidä qollänilädi vä ungä egälik bildiruvçi affikslär qoşilsä, bu bir boğınli sözgä bittä yumşaq y(y) tavuşi arttirilädi vä öz-özidän "su" sözi 2 boğınli şäklgä kirädi: Suyu, suyum, suyun.

Köpginä yazuvçilärimiz iş-härakätning birar tamangä yaki mäkangä yönälgänligini änglätiş üçün oşä dävr tilidä fäal qollänilgän cönäliş kelişigi affiksi –ğa dän faydälänişgän. Şu orındä äytiş keräkki, tarıxan cüdä eski Türkiy Tillärgä xas bolgän bu kelişik 20. Yillär Özbek Ädäbiy Tilidä näfäqat –ğa tärzidä, bälki hazirgi ädäbiy tilimizdä mävcud bolgän cärängsiz varianti –kä hämdä –gä, -qa, -a,

3 Behbudiy, Cäyahät Xatıräläri. *"Aynä"* jurnali,1914,47-San.
4 Behbudiy, Säyahät Xatiräläri. *"Aynä"* jurnali, 1914,37.san

-nä affiksläri arqali häm ifadälängän: mungä, şimalä, qurbanlıqqa, evinä vä başq. Keyingimisalimizdä esä "suv" sözigä egälik affiksini qoşiş bilän özäkkä yumşaq y (y) yavuşi qoşilib, sözning grammatik tärkibi özgärgänini körämiz:

*Ul quruq tar edi, çıqalmäz edi,*

*Tülkining baxtigä suyi az edi"*

**(Ä. Ävlaniy "Tülki ilä cerkä", İ. Krilovdän tärc.** )

Körib turgänimizdäki, "suvi" sözi "suyi"(suyu) tärzidä Türkçä (u) tavuşi hisabigä özgärişgä uçrädi. Şuni Tä'kidläş lazimki, Türk Tilidägi (y) tavuşi faqatginä ünli bilän tügägän sözlärgä qoşilib kelädi:masayı, odaya, öğleyin. Bu tavuş här daim tüşüm, cönäliş, qaratqıç kelişiklärdän aldin kelädi.

Mä'lümki, "dağ" sözi (dağ)Özbek Tilidägi "tağ" sözining Oğız Tillärigä xas fonetik körinişidir. Çünki Oğız gruppasigä kiruvçi kopläb sözlär cärängli tavuşlär bilän başlänädi:Kel-gäl, ket-get, tört-dört, tamaq-damaq vä şu käbilär:

*"Şarq ilä cänub ilä simalä*

*Dağlärdä xıram edär ğazadä"*

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 97-b.** )

"Xıram edär birikmäsidägi "etmaq" yardämçi fe'li Türk Tilidä tavuş özgärişigä uçräb, bä'zi affikslär qoşilgänidä etmek äsl körinişdän eder, edeyim, edelim, ediyorum vä häqaza şäkllärgä kirä alädi. Bu Özbek Ädäbiy Tilidä "qılädi, qıläyin, qıläylik, qılämän" tärzidä işlätilädi. Şuningdek, birikmädägi "etmaq" fe'li Türk Tilidägi birleşik fiil tärkibidägi kiruvçi yardämçi fe'l hisablänädi: Yardım et-, telefon et-, arz et-, sevk et. Bu yardämçi fe'l Türk Tilidä at yaki fe'l söz turkumigä mänsub sözlärdän keyin kelädi. Özbek tilidä bu birikmä äynän "xıram etär, xıram qıl" yaki "xıram"äylä" tärzigä qollänilädi vä Özbek Ädäbiy Tilidä xuddi Türk Tilidägidäy atlärdän keyin işlätilädi: naz et, mäcbur qıl, zar äylä, baxtli qıl.

1920. yillär Özbek matbuati tilidä änçä fäal işlätilgän cönäliş kelişigi affiksining Oğuz Tillärigä xas –ä(**-nä**) şäkllärining keng qollänilişi şuni körsätäki, bu dävr tilidä näfaqat sözlär vä birikmälär, bälki affikslär häm änçä özläşib ketgän.

Yuqaridägi misallärimizdägi "şimalä" sözini aläylik. Sözdägi –a affiksining dävr tilidä qolläniş xususıyäti vä uning qaysi tilgä mänsubligi Türkolog alimlärimiz tamanidän izahläb berilgän. Sözlär ündaş bilän tügägändä –a, ünli bilän tügägändä –nä tärzidä qollänilädi. Bu affikslär äsasän almaşlärdän vä egälik qoşimçäsini algän sözlärdän keyin qoşilädi.[5] Misal sıfätidä bu dävr matbuatidä köp işlätilgän bizä evinä kimä yaşlärä diqqatinä käbi sözlärni keltirişimiz mümkin:

*"Bir danäi la'l bir imarät*

*Räşki verä la'l evinä ğarät"*

**S. Äcziy "Mir'ati İbrät;96-b. );**

Eski Türkiy söz bolgän "ev"(ev), "üy", "cay", "başpänä" mä'nalärini ifadäläydi. Äslidä "üyigä"(evinä)sözi Oğuz Tiligä xas grammatik körinişdä 20. yillär matbuati vä ädäbiy häyatidä eski söz bolişigä qaramäy cüdä fäal qollängän. Çünki bu söz oşä dävrdä vä hazir häm Türk Ädäbiy Tilidä cüdä sämäräli köp qollänilgän söz hisablängän.

"Ver" (**ver**)sözidägi Oğuz Tillärigä xas fonetik xususiyät häm bu sözni ädäbiy tilimizdägi "ber" sözi bilän çağıştirgän dä yäqqal közgä täşlänädi. Bu söz näfaqat Türk Tili, bälki başqa qardaş Türkiy Tillärdä häm köp qolläniluvçi sözdir. (**Azärbäycan Tilidä –vär Türkmän Tilidä -vǝr, Tatar Tilidä –bir, Xaräzm Şeväsidä –vär vä başq.** ). Misallärimizdägi "verä" sözi ädäbiy tilimizdägi "berär" söziniŋ Tatar Tilidägi –a umumzäman affiksini qoşiş näticäsidä hasıl qılgän Oğuz Lähcäsigä xas körinişdir. 20. yillär ädäbiy tilidä –ä cönäliş mä'nasini bildirädi. Şu bilän birgä u Oğuz gruppasidägi Tatar Tilidä bärçä fe'l zämanlärigä tegişli häräkätlärni ifadäläydi. Uşbu affiks Türk Tilidä –r / -ar / -ir tärzidä ifadälänädi vä bu affikslärdän keyin faqat şaxs qoşimçäläri qoşilädi. Umumzäman affiksläri Türk Tilidä geniş zaman ekleri deb yüritilib, ulär iş-häräkät, hadisälärning bärçä zämandä bäcärilişini vä bu bärçä zämangä tegişlilik sınırsız zaman (çegäräsiz zäman) deyilädi:bekle+r, sor+ar, gör+ür.

5 Kärimov Ğ. Sovet Dävri Özbek Ädäbiy Tili Täraqqıyati. T.1985.

Demak, misalimizdä keltirilgän "verä" sözini keng zämandä tüşünib, "berär" tärzid" qolläymiz. Öz ornidä şuni häm tä'kidläb ötiş keräkki, -är affiksi hazirgi Özbek Ädäbiy Tilidä fe'llärning umumzämanini ifadäläş bilän birgä, ehtimallik, ikkiläniş, güman mä'nalärini häm bildirädi.

Türk Tilidä "qasaba" sözi (**kasaba**) "şähärgäçä" mä'nasini ifadäläydi. Uşbu dävr matbuat tilidä "qasaba" sözini häm tez-tez uçrätişimiz mümkin:

*"İstanbul boğazining Avrupa täräfidägi mäşhur köy vä qasabaläri uşbudir:... "*

**(Behbudiy "säyahät Xatiräläri", 83-b)**[6]

"Qasaba" sözi Eski Türkçä söz bolib, u mä'lüm vaqtlärdä än'änäviy Özbek Tilidä vä mümtaz ädäbiyatimizdä keng qollänilgän. Hazir häm mä'lüm tarıxıy dävrni yaritiş maqsädidä bu sözdän (arxaizm sıfätidä) faydälänilädi. Usmanli Türk, şuningdek, hazirgi Türk Tilidä häm cüdä fäal qollänilädigän "täräfindä" sözidägi –n (n) affiksi daima 3. Şaxs egälik qoşimçäsidän keyin kelädi vä Türk Tilidä zamir n'si(yä'ni almaş-n'si) deb yüritilädi. "Avrupa täräfindä" birikmäsi änä şu tarıxıy –n affiksi arqali tegişlilik, egälik mä'nalärini ifadäläyapti. "Täräf" (**taraf**) sözi Özbek Tilidä mävcud, ämma unçälik fäal qollänmäydi, çünki köpraq uning ekvivalenti (**varianti**) bolgäntaman sözidän faydälänädi. Türk Tilidä esä bu sözning işlätiliş dairäsi änçä keng. Bu yerdä "Avrupa täräfindä" birikmäsidägi –n affiksining berilişi Oğuz Tillärigä xas grammatik özgäriş hisablänädi.

*"... här qa sindä diniy mäharäbä, din üçün täläş, dinin başqalärğa qabul etdiriş öyi köz aldindä tura. "*[7]

Uşbu –n ündaşi tilşünaslikdägi "vstavoçnoe" (**qoyilmä, kiritmä**), yä'nideyärli hämmä zäman kelişikläri dairäsidä söz vä kelişik qoşimçäläri ortäsidä yaziliş yaki qoyilişi bilän häm harakterlänädi. Uşbu tavuş qadimiy Türkiy Tildä mävcud bolgän 3. şaxs birlikdägi egälik qoşimçäsining songgi elementidir. [8]

6 Behbudiy, Säyahät Xatiräläri. *Aynä* jurnali, 1915,13.san
7 *Yängi Şarq* gazetasi, 1.07.1919 y.
8 Kärimov Ğ., Sovet Dävri Özbek Ädäbiy Tili Täraqqyati.T.,1985, 40-b

"Saylärindä yayilgän... Äyriliş vaqtindä taşdän köngül keräk, taki qafilä ketsün". (**Behbudiy "Säyahät Xatiräläri", 55-b**)[9]

Oğuz Tillärigä xas bundäy sözlär, grammatik şäkllär vä birikmälärning 20. yillär ädäbiy tilidä köp işlätilgäni vä täbiiyki, ulär birinçi bolib matbuätdä öz äksini tapgäni şuni körsätädiki, XIX. äsr axırı vä XX. äsr başiläridä Özbek Ädäbiy Tilining täraqqiyatigä bağışlängän izlänişlär, bu dävrdä Özbek Ädäbiy Tili başqa tillär qatari Usmanli Türk Tilidän häm köp mikdardä söz özläştiriş hisabigä bayidi.

Özbek Tili Türkiy Tillär ailäsigä mänsubligi säbäbli Türk Tili bilän ildizi bir. Şu muna säbät bilän başqä beganä çet tillärdän körä özimizning müştäräk bağlärgä egä bolgän Türk Tiligä köp müracäät qılış täbiiy vä şu bilän birgä cür'ätli hadisä edi. Cür'ätlidegänimiz şuki, bu dävrdä Rus Tili bütün Türkistan ölkäsidä hakim til väzifäsini ötär edi. Bundäy şäraitdä ädäbiy tilimizni yat sözlärdän tazäläş, uni Türkanä täläffuzimizgä yönältirişnig özi qandäy qıyınçılik bilän keçgänligini täsävvur qılış qıyın emäs. Bu yoldä millätpärvär ziyalilärimizning matbuatdä mä'näviy-ma'rifiy täläblär bilän çıqışläriyu, til münasäbät bilän Oğuz gruppäsining bir tärmağı bolgän Türk Tilidän anä tilimizgä özläşgän sözlär, grammatik şäkllär vä birikmä halidägi sözlärni äcrätib körsätib, ulärgä birmunçä izah berişgä urindik. Quyidä özlämälärning cädväli keltirilgän (**46. Betgä qarang**). Cädväldä Türkçä sözlärdän taşqarı 20. Yıllär matbuati sahifälärida ävväl Usmanli Türk Tiligä özläşib, keyin u arqali ädäbiy tilimizgä kirib kelgän bir qançä Äräbiy vä Farsiy sözlärni häm uçrätämiz:Nomra (**numara**), asansur (**asansör**) vä başq.

"Nomra" (raqam) sözi Rus Tilidän Türk Tiligä özläşgän bolib, uşbu dävr matbuat tilidä tez-tez uçräydi. "Asansur" sözi Türk Tilidän özläşib, Özbek täläffuzigä masläştirib qollänilgän. Bu söz 20. Yıllär tilidä "lift, eskalator" mä'nasini bergän. Hazir häm Türk Tiligä xuddi şu mä'nalärdä işlätilädi.

9 Behbudiy, Säyahät Xatiräläri *Aynä* jurnali,1914,34.san.

Äräb vä Fars Tilläridän özläşgän vä Türk Tili arqali matbuatgä kirib kelgän bir qançä sözlärni häm şulär qataridä körsätib ötiş mümkin:Matbaa (**matbuat**), mäharäbä(**küräş**), daxı(**yänä**), daxıl(**tegişli**), särvät(**mal-dünya**), iftiraq(**niza**), zillät(**tübanlik**), röya(**tüş**), sänäd(**hüccät**), säbah(**ertäläb**), känar(**Qırğaq**), silah(**qural**), zä'f(**acizlik**), müdahälä(**äräläşiş**), mağara(**ğar**), mäsräf(**särf-häräcät**), säfil(**qaşşaq**), säfalät(**qaşşaqlik**), rical(**ärbab**)vä şu käbilär.

Bulärdän taşqarı Türk Tilidä –dä, ilä, lä bağlavçiläri barki, ulär Özbek Ädäbiy Tilidä häm köp işlätilädi:

*"Mäktäbläringiz-dä biraz täraqqıydä"*

**(Behbudiy "Säyahät Xatıräläri", 80-b. );**

*"... yaş ilä toldi... "* (**Ä. Ävlaniy**).

20. yıllär matbuat tilining xarakterli xususiyätläridän biri k cärängsiz ündaşining Oğuz Tillärigä xas g cärängli ündaşi körinişidä ifadälänişidir:

*"Tiligram... mänä şu... bir qadar üstünlik xabärini getirdi"* (**İştirakiyün, 10. 02. 1920**).

Oğuz Tiligä xas "getirdi"(getirdi) ötgän zäman fe'li Özbek ädäbiy Tilidägi "keltirdi" fe'lini ifadäläydi. Bu fe'l Türk Tilidä "getirmek" fe'lidän alingän bolib, ungä ötgän zäman qoşimçäsi -di qoşilişi bilän fe'lining bolib ötgän hadisäni bildiruvçi körinişi hasıl qılınädi. Aradägi äsasiy farq şundäki, Türk Tilidägi "getir"ning özi buyruq(emir) fe'li bolib, şu halätning özidä özäkdir, ämma Özbek Tildägi "keltir" fe'li undän farqli rävişdä fe'lning arttirmä däräcäsi hisablänädi. Şundäy qılib, uşbu dävr matbuati tilidä Oğuz Tiligä xas fonetik özgärişlärni häm uçrätişimiz mümkin ekän:e>a(sen-sän), m>b(men-bän), k>g(keltirdi-getirdi), t>d(tüşünmaq-düşünmaq)

Malumki, -äcäk affiksi Oğuz Tiligä xas eng közgä täşlänib turuvçi vä keläcäk zäman mä'nasini taşuvçi affiksdir. Türk Tilidä uning –äcäk, -ecek körinişläri mävcud bolib, ulär sözdägi görecek, alacak, verecek, yazacak. Özbek Tilidä uşbu affiks mä'nasini beruvçi qoşimçälär mävcud bolsädä, tädqıq qıläyatgän dävr tilidä uning Türkçä variantläri keng qollänilgän.

*"Bäynälmiläl ınqılab häräkätigä tüşülürğa nalimäylär ekän, bu tiläk vä ifadäni xalq özi äytäçäkdir"*

**(İştirakiyün, 10. 02. 1920)**;

*"... hämmä hükümät mäs'älälärıdä iş Türk Tilidä yüritiläçäk"* **("Ferğanä", 7. 06. 1921, No 8).**

Yuqaridägi misaldä -çäk affiksi bir vaqtning özidä işanç, tähdid mä'nalärini ifadälägän. Şuning üçün bu söz Özbek Tiligä ögirilgändä "äytmaqçidir" tärzidä emäs (çünki undä tähmin, güman mä'nalärini ifadälägän bolädi), bälki "äytişi muqarrär, älbättä äytilädi " tärzidä qollänilişi maqsadgä muvafıqdir. Zera "älbättä, muqarrär " sözläri-maqçi affiksi zimmäsidägi väzifäni tölä ifadäläb berä alädi.

Egälik mä'nasini ifadälavçi I. şaxs birlik vä köplik affiksi Türk Tilidä –im (im) körinişigä egä (benim, bizim). Uşbu affiksni 20. yıllär matbuati sahifälärıdägi sözlärdä qollängänini körişimiz häm mümkin:

*"Menim, özim üçün unçä qıymät bolmağan barlığım uning üçün hämmä närsädän qımmät emäsmi?"* **(Çolpan)**[10]

Şair Özbek Ädäbiy Tilidägi "men" kişilik almaşining egälikni ifadälavçi grammatik körsätkiçi sıfätidä bütünläy Oğuz Tiligä xas bolgän –im affiksidän faydälänädi.

"Bizim täläbälär häm bu käbi cämiyätlär tüzmaq şäräfinä nail bolişini tört köz ilä kütüb, täläbälär arälärıga täşvıq vä targıb edä başlädim. Vä täläbälär esä yoq xabärdin çoq şadlänib "bu cämiyätlär täraqqı vä talemizä säbäb bolsä keräk" deb can vä dil ilä qarşiläb... bu cämiyätning icadinä çalişmaqdä edilär"

**(B. Äziziy "İstibdad Sämäräsi"**)[11]

"Men" vä "biz" kişilik almaşlärıgä qaratqıç kelişigining eski Özbek Tilidägi käbi –im formasining bu dävr tili üçün xas bolgän xususiyätlärdän biridir. Bu af-

10 Çolpan, Yol Esdälikläri, "Ferğana", 28.03.1924,No:158.
11 Äziziy B.İstbdad Sämäräsi, *"Turan"*, 3.06.1917

fiks Özbek Tilining Oğuz güruhi şevälärigä xas bolib, 20. yıllär ädäbiy tilidä cüdä köp uçräydi : "Bizim baxtiqara ümidimiz" **(Ä. Ävlaniy),** "Äfsus, bizim dağlädi, yandürdi bu matläb... " **(Ä. Ävlaniy),** "Mänim yazğanlärim köb edi... " **(İştirakiyün, 1917).**

Şu orındä –ğan affiksigä häm toxtalib ötämiz, çünki –ğan affiksi hazirgi Türk Tilidä mävcud bolmäsä häm Oğuz Tillärining bä'zi şeväläridä, äynıqsä, Xaräzm şevälärida yäxşi saqlänib qalgän vä hazirgäçä –ğan şäklidä täläffuz qılınädi.

Mä'lumki, uşbu affiks uzaq tarıxgä egä vä u ortä äsr Türkiy Tilidä cüdä fäal qollänilgän vä dävr ötişi bilän klassik körinişini yoqatib (bütünläy emäs) Türk Tilidä –än(-yan)!, -en(-yen), yä'ni –yän, Özbek Ädäbi Tilidä esä -gän(-kän, -qan) sıfätdaş qoşimçäläri şäkligä kelib qalgän. Bu özgäriş cäräyanidän çetdä qalgän xaräzm şeväsi häligäçä bu affiksni qolläb kelädi(barğan, alğan vä başq. ) Türk Tilidägi –yan sıfätdaş häm keng qollänilädi.

20. yıllär matbuat tiligä müracaat qılädigän bolcäk, uşbu affiks –ğan körinişidän taşqarı -än, yän şäklidä häm işlätilgän:

*"Märhäm istäyän, haq söyläyän".*

Türk Tilidä fäal qollängän "hazirlämaq" (hazırlamak) fe'li Özbek Tilidä birmunçä çeklängän bolib, işlätiliş dairäsi tar, çünki bu sözning ornini basädigän "täyyarlänmaq" fe'li mävcud:

*"Yänä müällim vä müällimä haziläydurğan muntäzäm Rusçä, Äräbçä mäktäbläri bolub, bu mäktäblär Rus Sahib häyrätlärining mäsarifi vä ehsani ilä tärbiyä qılinur"*

**(Behbudiy "Säyahät Hatiräläri", 127-128-b).**

Uşbu misaldägi –ğan affiksi hazirgi ädäbiy tilimizdä –di ötgän zäman affiksi sıfätidä mävcud bolgän vä tarıxan klassik –dür şäklidä işlätilgän ötgän zäman affiksidän keyin kelib, sıfätdaş formasini hasil qılgän.

Endi quyıdägi misalgä e'tibarimizni qaratäylik:

*"Şu çaqqaçä gazeta betläridä yazilmaqdä bolgän sözlärning käbi Türk Tilining baylığın änglätuvğınä bolup andın başqa yaqqa ötilmädi"* **(Elbek)**[12]

12 İştirakiyün. Til.1920, No:60.

Oşä dävrdä tez-tez uçräydiğan "yazilmaqdä bolgän" vä şü käbi birikmälär hazirgi Özbek Tilidä başqaçä grammatik körsätkiçlär iştirakidä "yaziläyatgän" tärzidä ifadälänädi. Bu birikmä häräkätning hazir häm bäcäriläyatgänigä, dävam etäyatgänigä işarä tärzidä –maq vä ğan affikslärini algän.

"Änglämaq(anlamaq) fe'li esä Özbek Tilidägi käbi Türk Tilidä häm birar närsäning farqıgä bariş, tüşüniş mä'nalärini bildirädi. Türk Tilidä tam mä'nadä bu sözlärning tölä mä'nasini özidä ifadälägän söz yoq vä şuning üçün häm ikkälä mänani ifadäläşgä "änglämaq" fe'li işlätilädi. Özbek Tilidä esä "tüşünmaq" fe'lidän faydälänilädi.

*"Heç sezmäsdän, külä-külä turär-dä,*

*Yanär bütün barlığım... Negä böylä "* (**Fiträt**). [13]

"Böylä" Oğuz Tiligä xas saf Türkiy söz bolib, Özbek Ädäbiy Tilidä "bundäy" halät rävişini ifadäläydi. Äslidä 20. yıllär ädäbiy tilidä "bu" körsätiş almaşi kelişik vä başqa affikslär bilän türlägändä b tavuşi m äylänib, "muni, muning, mundän, mundä" şäkligä kirädi:[14]

*"... Muning ilä-dä köngli savumäs, axır oğrılik, adäm öldürüş käbi cinayätlärgä kirişür... "* [15]

Başlanğıç b ündaşining m gä äylänişi tarixıy än'änäning dävami bolib, XI äsr Türkiy yazmä yadgarlikläridä häm uçräydi. Yuqaridägi misalimizdä "bundäy" halät rävişi gäpdä birikmä tärzidä soraq almaşini ifadäläyapti: "Negä bundäy?"

Türk Tilidä "böylä" (**böyle**) sözi ikki xıl mä'nadä kelädi:

1. Sıfät ornidä; 2. Halät rävişi ornidä. Böyle hämdä şöyle vä öyle sözläri at söz turkumidän aldin sıfät bolib kelädi: Böyle şeyler-bundäy närsälär, böyle yaptım –bundäy qıldim. Misalimizdä "böylä" sözi soraq almaşi bilän birikib qalgän.

13 Fiträt.Çin Seviş.Taşkent ,1996, 30-b.
14 Palivanov E.D.Kratkaya grammatika Özbekskogo yazıka.Çast 1, Taşkent,1976, c.78.
15 İçkilikning zäräri, *Aynä*,1914, No:36.

Türk Tilidägi "etmaq" (**etmek**) sözi bä'zi grammatik şäkllärni alsä (**kelişik, zäman vä şu käbilär**), ulär tärkibidägi -t ündaşi -d gä äylänädi. Buni oşä dävr Özbek matbuatidä köp uçrätişimiz mümkin. Uşbu yardämçi fe'l atgä qoşilib birikmä halidä kelädi. Özbek Tilidä esä bu yardämçi fe'l qandäy grammatik körsätkiç almäsin, uning özäk tärkibi özgärmäydi:

*"Här kim çalişsä millät üçün xalq tä'n edär"* (**Ä. Ävlaniy**)

*"Ärzan, murdar yerlärni tärcih edär"* (**Behbudiy**);

*"Dağlärdä xıram edär ğazalä"* (**S. Äcziy**);

*"Kävsärni edüb säfalä bekar... "* (**S. Äcziy**);

Türk Tilidägi "çoq" (**çoq**)sözi müstaqıl rävişdä azlik-köplikni bildiruvçi räviş turkumigä kiritilädi hämdä mikdar vä däräcäni bildirädi. "Çoq" sözi Türk Tilidä ikki xıl mä'nadä işlätilişi mümkin: a) Ägär u atlärdän aldin kelsä, predmetning mikdari vä sanini körsätädi hämdäsıfät väzifäsini bäcärädi: Çok insanları gördüm -köp insanlärni kördim ;b) Ägär uşbu söz fe'lgä bağlänib kelsä, u haldä u räviş väzifäsini bäcärädi: Seni çok bekledim - seni köp(**cüdä**)kütdim.

20. yıllärdä işlätilgän çok sözigä e'tibar qıläylik:

*"Çoq ümr ver här ikkisinä, xuda* (**Ä. Ävlaniy**);

*"Bundän digär ändä çoq mädaris"* (**S. Äcziy**). "

Türk Tilidä "çalişmak" (**çalışmak**) fe'li "işlämaq, häräkät qılmaq" mä'nalärini bildirädi. Bu fe'l misalidä "edi" yardämçi fe'li bilän -maqdä hazirgi zäman dävam fe'li affiksi arqali birikmä tärzidä kelgän.

Türk Tilidä -miş grammatik şäkli uzaq tarıxıy ötmişgä egä bolib, hazirgi Özbek Ädäbiy Tilidä çegärälängän dairädä qollänilsä -dä, Türk Tilidä eng fäal affiks sıfätidä mävcud. Uşbu affiks xabär mä'nasini ifadäläb, Türk Tilidägi bildirmä kipleri (**xabär imqoşçäläri**) güruhigä kirädi vä ötgän zäman fe'lining näfaqat saddä körinişini, bälki hikayä, rivayät vä şärt körinişlärini häm ifadäläb kelädi:

Gelmişim - keluvdim;

Gelmiştim - kelgän edim;

Gelmişmişim - kelgänmikänmän;

Gelmişsem – kelgän bolsäm.

Misalimizdä – miş affiksi III. şaxsdä qollänilgän bolib, Özbek Tilidägi –gän sıfätdaş affiksining ornidä kelgän vä hazirgi zämandä häm dävam qıläyatgän iş-häräkät mä'nasini ifadäläyapti:

*Yavrupadä şuning zärärlärini türli tillärdä yazub hisabsiz kitablär vücudgä keltürmişlär*

**(İçkilikning zärärläri. "Ayinä", No 36, 1914)**;

*Bir tün beqazan ittifaqı,*

*Keçmiş edim uymaqa yataqı*

*Qaçmiş edi közläriydän uyqu,*

*Ya kimsämi äylämişdi cadu.*

*Yulduzlärni saymaq erdi karim,*

*Yoq uymaqa äldä ixtiyarim.*

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 96-b)**

Keçmiş edim – ötgän edim;

Qaçmiş edi – qaçgän edi;

Äylämişdi cadu – cadu äylägän edi.

Özbek Ädäbiy Tilidä –miş affiksi çegäralängän haldä qollänilädi dedik, çünki ulär fäqat tolıqsiz fe'llärni yäsäşdä işlätilädi. Özbek Tilidägi emiş tolıqsiz fe'li daima birar söz bilän bağlänib, oşä predmet haqıdä, uning belgisi, iş-häräkätni bäcärgänligi toğrisidä xabär berädi:

*Muqaddäs dinimizning bu zäman qalmiş fäqat nami*

**(Ä. Ävlaniy "Mä'rifätpärvär ğaniylär qulağınä")**;

*Yatib ğafılät känarindä bälalärgä düçar olmiş*

**(Ä. Ävlaniy "tääccüblik hallär)**;

*Täyinlänmiş saät* **(İştirakiyün, 10. 02. 1920);**

*İşlänmiş ağaçi sändäli ud* **(S. Äcziy "Mir'ati İbrät, 96-b).**

Biz körib çıqayatgän dävr matbuat tilidä -yür (-yor) hazirgi zäman affiksi häm iste'maldä bolgän vä fe'l söz turkumigä aid sözlärgä qoşilib kelgän. Uşbu -yor affiksi zäman vä şaxs-san vä soraq mä'nasidägi affikslär bilän türlänädi. (okuyordu, yazıyoruz, alırım, görüyor mu?)

*Şuning-çün heç yergä yetmäyor ümmä tning äncami...*

**(Ä. Ävlaniy "Mä'rifätpärvär ganiylär qulağınä);**

*... Beçarä fäyläsüf äsla bir şäy änglämäyor edi*

**(Behbudiy "Aq yelpağıçli çinli xatun");**

*... Neçün bizim qaläm ählidin bir säda-dä çıqmäyor vä bir cämiyät-dä qurmäyor. Lazım emäsmi ?*

*Nä içün lazım bolmäsun ?!*

**(Fiträt "Qaläm sädasi. " "Hürriyät" No 36, 5. 09. 1917);**

*Nä deb söz tingläyor...*

**(Ä. Ävlaniy "Türkistan ählidän cävab");**

*Süküt içindä şu qan-canä äyläyor yilan,*

*Färraşi xabä çekilmäkdä xalq bepayan*

**(Ä. Ävlaniy "Röya");**

*Ahu färyadu fiğani incittadur özini,*

*Bilmäyor, dünyagä qılmaqdän quruq ğavğa nädür*

**(Ä. Ävlaniy "Cahil nä bilür").**

-Yor (yor) affiksining yänä bir hususiyäti şundäki, bu affiks Türk Tilidä singarmanizm xadisäsigä tabe bolmägän affiksdir. U fäqat bittä şäkldäginä qollänilädi. Özäkdägi ünlilär qalin bolsin ya nicä bolsin, bu affiks fäqat şäklidä qoşilädi:Okuyor, bilmiyor, seviyor.

20. yıllär matbuati tilidä Türk Tilidän özläşgän başqa grammatik şäkllär bilän bir qatardä -dıqçä (dıkça) affiksini häm uçrätişimiz mümkin:

*Bugün yığläb oturmişdim, sen kelding,*

*Bir şairning bir "sözi"ni sözläding.*

*Men u sözning ruhingdä oqudım.*

*Oquduqçä u izdän*

*Özim üçün köp ümidlär toqudım.*

*Ümidsizçä yäşäy almäm, netäyin,...*

**(Fiträt "Şair", 31b).**

Uşbu qoşimçä Türk Tilidä rävişdaş yäsavçi affiks hisablänib, özidän keyingi häräkätning säbäbini, näticäsini bildiräd:Güldükçe güller açılır, ağladıkça incilir saçılır. Ägär külsä (külgänidä), güllär açilädi, (ägär) yığläsä(yığlägändä), incülär saçilädi. Şair qızning közläridägi mä'nani oqır ekän, özi üçün köp ümidlär toqıydi, yä'ni şair oşä mä'nani oqıgäçginä nimälärdir ümid qılä başläydi. -dıqça rävişdaş yäsavçi affiks Özbek Tilidä -gäç, -käç, -qaç käbi päyt mä'nasidägi rävişdaşlärni yäsavçi affiks hisablänädi:

*U taşqarıgä çıqqaç, qaytib kirdim.*

Türk Tiligä xas yänä -dik affiksi häm matbuatdä uçräb turädi. Uşbu affiksning väzifäsi änçä müräkkäb bolib, u bir qançä mä'nalärni änglätädi. U rävişdaş väzifäsini bäcäriş bilän bir qatardä gäpdä yayıq egä, sıfätdaş käbi väzifälärdä häm kelä alädi: Bu kitabın çok ilginç olduğu söyleniyor – Bu kitabni cüdä qızıqarli deyişädi;

*Kaybettiğim anahtarı bulamadığımdan çok üzüldüm*

*-Yoqatgän kälitimni heç tapä almägänimdän xafä boldim;*

*Siz geldiğinizde söylerseniz veya Orhan geldiğinde anlatır*

*-Siz kelgänimdä äytärsiz yaki Orxan kelgänidä tüşüntirär.*

Biz körib çıqayatgän dävr tilidä –dik affiksining mä'lum grammatik şäkl alib toldiruvçi väzifäsidä häm kelgänini körämiz:

*Var olduğumu(barligimni) täsävvur etdim*

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 97b).**

Bu yerdä -dik affiksi egälik affiksidän keyin tüşüm kelişigi affiksi -ni qoşimçäsini aliş hisabigä grammatik özgärişgä uçrägän vä özigä "nimäni?" sorağıni aluvçi tolduruvçi väzifäsidä kelgän.

Uşbu affiksining sıfätdaş bolib kelgän körinişini quyıdägi misaldä körişimiz mümkin:

*İştä, ey millät, eşit, bu sözlärim sengä xıtab,*

Yazdığım bu sätrlär här qaysi göya bir kitab.

(Ä. **Ävlaniy "İstıqbaldän arzulärim"**).

Misalimizdä -dik affiksi yaz fe'ligä qoşilib, özigä -im igälik affiksini biriktirgän haldä fe'ldän sıfätdaş yäsägän.

Yazdığım bu sätrlär birikmäsi Özbek Ädäbiy Tilidä -bu yazgän sätrlärim tärzidägi gäp qurılişigä egä.

20. yıllär ädäbiy tilidä sözlär, grammatik şäkllär, birikmälär bilän birgälikdä böylä (bundäy), öylä (undäy), şöylä(mundäy) käbi Türk Tiligä xas kömäkçilärni häm uçrätişimiz mümkin. Ulär Türk Tilidä edatlar nami bilän yüritilädi vä gäpdä atgä, sıfätgä, fe'lgä bağlänib kelädi. Bu kömäkçilär öz haliçä müstaqıl bir mä'na änglätä almäydilär:

*Böyle insan, şöyle bir kız, evi öyle güzel gibi...*

Uşbu kömäkçilär 20. yıllär ädäbiy tilidägi gäplär tärkibidä kelişigä e'tibar qıläylik:

*Heç sezmäsdän külä-külä turär-dä,*

*Yanär bütün barlığım... Negä böylä?!*

**(Fiträt "Negä böylä?!", 30b)**. [16]

Misaldä böylä kömäkçisi soraq almaşi bilän birikib, negä bundäy? mä'nasini ifadäläb kelgän.

*Bizni (ng) İslam dini mäydän öylä qılmişkim, häzär,*

*Tazä bir xum suvni iflas äylägäy tamsä şärab*

**(Ä. Ävlaniy "Mäyxanälär yapıluvçi münasäbätidä")**

16 Fiträt A.Çin Seviş, G.Gulam Namidägi Ädäbiyat vä Sän'ät Näşriyati, Taşkent, 1996.

Uşbu mätndä öylä kömäkçisi fe'lgä bağlänib, "häzär qılış"ning däräcäsini belgiläşgä yardäm beryapti.

Şöyläki, erini şagirdläridin bir cävan (yaş yigit) tä'ziyätgä keldi.

**(Bexbudiy "Aq Yelpağıçli Çinli Xatun", 52b. )**

Şöylä kömäkçisi bu yerdä gäp başidä kelib, Özbek Tilidä kiriş sözi väzifäsini bäcäryapti, çünki şöylä kömäkçisi -ki affiksini arttirgän, mä'nasi özgärib, gäpdä täräddüdläniş, naanıqlik mä'nasini ifadäläyapti.

*Bu ziynätü suvrät ilä mäsrur,*

*Kafi bizä böylä şäkl märğub*

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 103b)**

Uşbu misaldägi kafi sözi Özbek Tilidä yetärli, kifayä mä'nalärini änglätädi. Böylä kömäkçisi esä at bilän bağlänib uni anıqläb kelyapti.

Dävr tiligä xas kelişik qoşimçälärdägi közgä täşlänädigän yänä bir xususiyät, biz ävvälraq äytib ötgän cönäliş kelişigi affiksläri -ä (-nä) lärdän taşqarı yänä -yä (-ya) körinişidä häm işlätilişidir. Uşbu şäkl Türk Tilidägi cönäliş affiksi (yönelme hali) -e! -a ning ikkinçi varianti bolib, ünli bilän tügägän sözlärgäginä qoşilädi, -e! -a variantläri esä ündäş bilän tügägän sözlärgäginä qoşilädi: Masaya, görmeye, eve, sınıfa vb.

20. yıllär ädäbiy tilidä uşbu kelişikning işlätilişigä e'tibar qıläylik:

*Tiri qazaya bizläri nişanä qılding sän*

**(Ä. Ävlaniy "Türkistan Tufrağınä xıtab)**

Türk Tilidä kaza sözi at turkumigä mänsub bolib, uning Özbek Tilidägi mä'nasini "hälakät", "äväriyä" demäkdir. Bu orındä at sıfät bilän bağlängän.

*Kävsärni(ng) edüb säfalä bekar*

*Gäp şişäyä bensäning edär ar*

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 98b. )**

Bu orındä -yä cönäliş kelişigi affiksi tärkibidä kelib, fe'lgä bağlängän:

*Şişäyä benzäsäng -şişägä oxşäysän.*

Şuni äytiş käräkki, 20. yıllär matbuati tilidä uşbu affiksining bir qançä türläri -ä, -nä, -ğa, gä, -qa, -kä lärhäm işlätilgän.

Yuqarıdä biz Türk Tiligä xas birikmälärning dävr matbbuatidä qandäy işlätilgänini körgän edik. Quyıdägi misaldä Özbek Tilidä häm mävcud bolgän sözlärning Türk Tilidä birikmä halidä uçräşini körämiz:

*İçkilikning zärärläri nihayätdä köpdürki, ulärni bir-ikki mäqalädä imkandän xaricdür. Yavrupadä şuning zärärlärini türli tillärdä yazub hisabsiz kitablär vücudgä keltürmişlär...* (**İçkilikning zärärläri "Ayinä", No 36, 1914**).

Bilämizki, Özbek Tilidä imkan vä xaric sözläri älahidä mävcud, ämma bu sözlär fäqat imkandän taşqarı tärzidä kelişi mümkin. Xaric sözi esä "çät elä mä'nasini ifadäläydi. Türk Tilidä hariç sözi mävcud bolib, u özi älahidä birär mä'nani ifadälämäydi, u fäqat birikmä şäklidä kelgänidäginä mä'nagä egä. Bu söz "taşqarı" mä'nasidä kelgän bolib, "imkandän taşqarı, imkansiz" demäk.

Uşbu birikmä birar vaqea-hadisäning bäcärilişi imkansiz ekänligini, bäcärib bolmäsligini bildirädi. Hariç sözi Özbek Ädäbiy Tilidägi inkar mä'nasi affiksläri (be, -siz) vä sözläining (**yoq**) ornini basä alädi: beimkan, imkansiz, imkani yoq...

*Yergä indi mäläklär...* (**Ä. Ävlaniy "Mävlüdi Näbäviyä"**)

İnmaq (inmek) sözi Türk Tilidä "Tüşmaq" mä'nasini ifadäläydi. Bu orındä fe'l ötgän zäman -di afiksining algäni haldä häm özidän aldingi sözgä, häm özidän keyingi sözgä bağlänyapti:

*Yergä indi, indi mäläklär.*

Cümläni öz qanun –qaidäsigä binaen qursaq, mäläklär yergä indi tärzidä bolädi vä bundä häm fe'l här ikkälä söz-at vä orın rävişi bilän älahidä bağlänä alädi.

*Haq köndärdi dünyaya eng şanli päyğamberni...*

(**Ä. Ävlaniy "Mävlüdi Näbäviyä**)

Köndärdi (**gönderdi**) sözi Türk Tilidägi fe'lining ötgän zäman körinişidir. Bu orındä u özidän aldingi atgä vä orın rävişigä bağlängän, Özbek Tilidägi yu-

bardi fe'ligä toğrı kelädi. Uşbu fe'l misalimizdä gäp başidä kelib, kesim väzifäsini bäcärgän.

*Adavät beslämäkdä bir-birinä dam öldük biz,*

*Kirib şäytan sözinä puxta erkän, xam öldük biz.*

(**Ä. Ävlaniy "Ahvali Alämdän Bir Nämunä"**)[17]

Türk Tilidän kirib kelgän beslämäk (beslemek) sözi Özbek Tilidä bir qançä mä'nalärni ifadäläydi. Bu sözning öz mä'nasi "baqmaq", yä'ni "adavät saqlämaq" mä'nasidä kelgän.

Uşbu dävr ädäbiy tilidä Özbek Tilidägi I. şaxs köplik, yä'ni şaxs-san affiksi –miz ni ifadälavçi saf Türkçä grammatik şäkl –uz (-uz) dän häm faydälänilgän:

*Açub dästi tämänna közläruz barani rahmätdän,*

*Açub mäktäb bizim-çün särf etibsiz malu-särvätdän*

**(Ä. Ävlaniy)**

Uşbu şaxs-san affiksi Türk Tilidä törttä şäkldä mävcud bolib, özäkdägi ünlining yumşaq yaki qattıqligi, yä'ni qalinligigä qarab axırigä qoşilib kelädi:/-uz, -üz, -iz, -iz/

*Görürüz, gösteririz, alırız, içeriz. -Körämiz, körsätämiz, alämiz, içämiz.*

20. yıllär ädäbiyati vä matbuatidä iste'maldä bolgän yänä bir grammatik şäkl –mäz şäklidä, häm Özbekçä –mäs şäklidä işlätilgän:

*Bilmäz bäldä ähli qadrin ani* (**S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 98b**);

*Ül quruq tar edi çıqalmäz edi...*

**(Ä. Ävlaniy "Tülki ilä cerkä" -Krilovdän Tärcimä);**

*Lü xanım salihä bir xatun emişki, ähdini päymal etmäk istämäz...*

**(Behbudiy "Aq yelpağıçli çinli xatun" 52b.** );

*Bizim baxtiqara ümidimizning şäm'i yanmäzmi?*

*Fäläk käcräv bizä cäbru cäfasidän otanmäzmi?*

*Mäarif bangini qaçqırsä häm ümmät uyanmäzmi?*

---

17 Ävlaniy Ä. Tänlängän Äsärlär. 2. cildli 1.cild-Taşkent, Altin Meras,1998.

**(Ä. Ävlaniy "Mäarifpärvär Ganiylär Qulağınä").**

Endi bu affiksining Özbek Tilidägi –mäs şäklidä işlätilgänigä e'tibar qıläylik:

... Muning ilädä köngli savumäs, axır oğrılik,

Adäm öldürüş käbi cinayätlärğa kirişür toğrıdän -toğri qoşilib kelädi vä mänfiy (**olumsuzluk**) mä'nadägi fe'llärni hasil qılädi. Şäkl här ikkälä körinişdä –häm Türkçä, häm Özbekçä şäkllärdä işlätilgän. Bu affiks Türk Tilidä di. Uşbu grammatik şäkl bolmäslikni, bäcärilmäslikni ifadä etädi(yazmaz-yazmädi).... [18]

Demäk 20. yıllär matbuat tilidä uşbu grammatik şäkl här ikkälä körinişdä –häm Özbekçä şäkllärdä işlätilgän. Bu affiks Türk Tilidä fe'lining özäk vä negizlärigä toğrıdän –toğrı qoşilib kelädi vä mänfiy (**olumsuz**) mä'nalärni hasıl qılädi. Uşbu grammatik şäkl bolmäslikni, bäcärilmäslikni ifadä etädi (**yazmaz** –yazmäydi).

## 20. Yıllär Özbek Vaqtli Matbuatidä Türkçä Qoşmä Sözlär Vä Ulärning İşlätilişi

Uşbu dävr matbuati tilidä Türkçä vä söz vä grammatik şäkllärgä nisbätän käm, här qaläy özläşgän vä qollänilgän Türkçä bir qançä qoşmä sözlärning häm işlätilgänini köriş mümkin.

Hazirgi Özbek Ädäbiy Tilidä häm xuddi Türk Tilidä bolgänidek, bu qoşmä sözlär ikki qısmdän ibarät bolib, köpçiligi etmaq yardämçi fe'lidän yäsälgän:

*İmdad etmaq –yardäm qılmaq, ikram etmaq-mehman qılmaq, savğa qılmaq, sävq etmaq-dä'vät etmaq, rica etmaq-iltimas qılmaq, här käs-här kim...*

Türk Tilidä uşbu qoşmä sözlär (här käs dän taşqarı) birläşik (birleşik), yä'ni qoşmä fe'l hisablänädi. Bu türdägi qoşmä fe'llär Türk Tilidä bittä at unsuri vä yardämçi fe'ldän tärkib tapädi. Bundän taşqarı, Türk Tilidä bir qaç (birkaç) yä'ni qoşmä sözi Özbek Tilidä mikdar rävişini bildirädi vä bir neçä, bir qançä mä'na-

18 İçkilikning zärärläri. *Ayinä*, No 36, 1914.

lärini änglätädi. Uşbu qoşmä söz Türk Tilidä belgisiz zamirlär, yä'ni almaş turkumigä kiritilädi. Quyıdägi misallärni körib çıqaylik:

*Keräk, aqıl ersäng, dünyagä xırsingim qoymä,*

*Qolingdän kelgäniçä ilm ärbabinä imdad et !*

**(Ä. Ävlaniy)**

Türkçä imdad etmäk (imdad etmek) qoşmä sözi Özbek Tilidä yardäm qılmaq mä'nasini änglätädi.

*Bizni ikram etdilär* **(Behbudiy "Säyahät Xatıräläri", 66b.** )

İkram etmäk (**ikram etmek**) äslidä Özbek Tilidä izzät, hürmät mä'nalärini ifadäläsä-dä, bu Türkçä qoşmä söz Türk Tilidä mehman qılmaq, tühfä qılmaq mä'nalärigä egä.

*Doqtur, üy, nomrä vä qarä üy, xulasä, här şäy mävcuddir.*

**(Behbudiy "Säyahät Xatirälàri", 57b)**[19]

Türk Tilidä här şäy (herşey) här närsä mä'nasini ifadäläydi. Özbek Ädäbiy Tilidä här närsä birikmäsi belgiläş almaşi tärkibigä kirädi. Bu almaş şaxs, närsä-predmetlärni äcrätib, tä'kidläb, änıqläb körsätädi:

*Xantaxtada här närsä bar edi.*

Türk Tilidä här sözi predmet mikdari vä sanini bildirib keluvçi sıfätlär qatarigä kiritilädi:

*Her yer, her gün, her güzel*

Bu sıfätlär predmetlärning umumiy ifadä qılınişini bildirädi. Ämma här şäy qoşmä söz sıfätidä belirleme zamirleri, yä'ni belgiläş almaşläri tärkibigä kirädi.

Äl çekmäk erur däha fünundän

Bu hibsi näticäi cünundän

**(S. Äcziy "Mir'ati İbrät", 100b)**

19 Behbudiy, Qara Dengiz. *Aynä*, No 38, 1914, 902-905b.

Äl çekmäk (el çekmek) qoşmä sözi Özbek Tilidä "qol tartmaq", "qol siltämaq" mä'nalärini bildirädi. Uşbu qoşmä söz häräkät namini ifadäläb kelgän -maq affiksini (Özbek Tilidä –ş! – iş häräkät nami affiksigä toğrı kelädi) alib, "qol silkiş" mä'nasidä fe'lning häräkät namini ifadäläb kelgän.

Çekmäk fe'lining ikkinçi mä'nasini köräylik:

*Ägärçi baxti qarayäm, ki heç ğam çekmäm*

**(Ä. Ävlaniy).**

Yuqaridägi misalimizdä "qol tartmaq" mä'nasidä kelgän sözimiz bu misaldä "ğam tartiş" mä'nasidä kelgän.

Sävq etişi ilmä bizni bütün ğayrating seni(ng) **(Ä. Ävlaniy)**

Sävq etmaq (**sevketmek**) Türk Tilidä "ündämaq", "dä'vät qılmaq" mä'nalärini ifadäläşdä qollänilädi. Bu Özbek Tilidä "Sening bütün ğayräting bizni ilmgä ündädi (**çarlädi, dä'vät etdi**)" tärzidä işlätilädi:

*Bir vächi bala täklif vä täşvıqlär, vä'dä vä dualär bizgä yä'nä quvvät vä ümid berib işğa sävq etdi* **(Bexbudiy "Bäyani Hal", 159b).**[20]

Türk Tilidän kirib kelgän rica etmaq (**rica etmek**) qoşmä sözi "iltimas qılmäq" tärzidä Özbek Tilidä keng qollänilädi:

*Uşbu tärtibatimizni... täshihi rica etmaqni münasib körüldi* **(Behbudiy "Kitabi müntähäbi coğrafiyai umumiy" 185b)**

At vä yardämçi fe'lning bağlänişidä täşkil tapgän bu qoşmä sözni "iltimas qılış münasib körildi" tärzidä ifadäläş mümkin

*Härkäs özini näfsi üçün där-bädär yürüb,*

*Esdän çıqardi mahşäru yadu qıyamäting* **(Ä. Ävlaniy)**

Här käs (herkes) qoşmä sözi Özbek Tilidä här kim, här kişi tärzidä mävcud bolib, belgiläş almaşi hisablänädi vä belgiläş, umumläştiriş käbi mä'nalärni bildirib kelädi.

Bungä yuqarıdä toxtalib ötgän edik. Bu qoşmä söz Türk Tilidä häm belgiläş

20 Behbudiy *Ayinä* No 2, 1913, 2-4b.

almaşi tärkibigä kiritilädi vä deb ätälädi.

*Äma bu qadari barki bä'zi hacilär dävlätlik bolsälär häm, tä'blik, iflas, mäcaniy täkä vä yainki nihayät ärzan, murdar yerlärni tärcih etärlär*

**(Behbudiy "Säyahät Xatıräläri", 90b)**[21]

Uşbu qoşmä söz "äfzäl körmaq" mä'nasidä bolib, at vä yardämçi fe'lning qoşilmäsidän hasıl bolgän:

Tercih etmek-tercih ederler –afzal körädilär.

Bu qoşmä söz Türk Tilidä birläşik fiiller, yä'ni qoşmä fe'l tärkibigä kiritilädi.

*Şäbpäräk qanati käbi mütävälli häräkätlänib turmiş yelpağıçgä här zäman dönüb eng çuqur vä müyähayyiranä bir fikr ilä baqıb beçarä fäyläsüf äsla bir şäy änglämayor edi*

**(Behbudiy "Aq Yelpağıçli Çinli Xatun ", 51b)**

Här zäman (**her zaman**) qoşmä sözi Özbek Tilidä bolgänidek, Türk Tilidä häm mävcud. Uşbu birikmä belgiläş almaşi vä atdän täşkil tapgän bolib, birgälikdä vaqtni, yä'ni päyt rävişini ifadäläydi. Här zäman dönüb- här zämandä bir qayrilib qarab –söz birikmäsi dönmek (**äylämaq, qayrilmaq, qaytmaq**) fe'lli vasitäsidä gäpdägi başqa sözlär bilän bağlängän.

ATATÜRK KÜLTÜR MERKEZİ
BAŞKANLIĞI YAYINLARI

Dede Korkut Bilgi Şöleni

21 Behbudiy. *Ayinä* No 45, 1914,1077-1081b.